O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 30 ноябрь, № 233 (4132) Пайшанба

ИЗЛАНИШ, ЯНГИЛИККА ИНТИЛИШ, БУНЁДКОРЛИК

Халқимиз сенаторлардан ана шундай фазилатларни намоён этишни кутади.

● *Бугун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси очилади.*

● *Сенаторлар ушбу анжуманда мамлакатимизнинг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳасини ҳам муҳокама қилишади.*

● *Ушбу ҳужжат кучли фуқаролик жамияти сари бораётган Ватанимиз халқ хўжалигининг ёрқин келажагини акс эттиради.*

Юқори палата вакилларига самарали фаолият тилаймиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетини, шунингдек жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш вазифаларини изчил ҳал этишда муҳим аҳамиятга молик бир қатор қонунлар ва масалаларни муҳокама қилади.

Ялпи мажлис арафасида, 2006 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг парламент юқори палатасининг саккизинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақидаги ахборотини тинглади.

Қўмиталарнинг раислари саккизинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилган 2007 йилги Давлат бюджети, қонунлар ва бошқа масалалар юзасидан хулосалар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш ҳақида фикр алмашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган ҳамма масалалар юзасидан Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

* * *

Шу куни Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, шунингдек Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталарининг мажлислари бўлиб, уларда сенаторлар саккизинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилдилар.

Умуман икки кун мобайнида Сенатнинг барча қўмиталари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган 16 та қонунни, шунингдек парламент юқори палатасининг ваколатига кирадиган бошқа масалаларни муҳокама қилдилар. Уларнинг ҳаммаси саккизинчи ялпи мажлис кун тартибига киритиш учун тавсия этилди.

Мажлисларда сенаторларнинг 2006 йилнинг ўтган даврдаги иш якунлари ҳам кўриб чиқилди ва қўмиталар фаолиятини янада такомиллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Пойтахтимиздаги Халқлар Дўстлиги саройида Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган "Истиқболимиз тимсоллари" танлови ниҳоясига етди.

Истиқболимиз тимсоллари

Мамлакатимизда истеъдодли қизлар ўртасида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан ёшларга кўрсатилган катта эътибор ва ғамхўрликдир. Таъсис этилганидан буён мукофот соҳибалари сони 98 нафарга етди. Йил бошида Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳрида ҳудуднинг энг фаол ёшлари, Зулфия мукофоти совриндорлари иштирокида "Истиқболимиз тимсоллари" деб номланган анжуман ташкил этилган эди. Ушбу тадбир кўплаб истеъдод соҳибларини кашф этди, Куни кеча Республика Хотин-қизлар қўмитасида танловнинг барча ғолибларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва дипломлари топширилди.

Шу куни тадбир иштирокчилари "Бахтиёр она" хайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Пойтахтимиздаги Халқлар Дўстлиги саройида "Истиқболимиз тимсоллари" деб номланган маданий ва маърифий дастур ташкиллаштирилди. Тадбирда Республика Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Инамова иштирок этди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов маруза қилди. Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳасининг муҳокамаси бўлиб ўтди.

Муҳокама чоғида депутатлар ички ишлар идоралари ходимларининг мамлакатда жамоат тартибини ва хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлашдаги алоҳида ролини таъкидлаган ҳолда, касб байрамини – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватладилар. Қонунчилик палатаси билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов тақдим этди. Ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида солиқ тизимини янада такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалда рўёбга чиқариш зарурлиги

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН НУҚТАИ НАЗАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Бир ёқлама ёндошув ҳамда дин ва эътиқод қаби нозик масалаларга нисбатан «икки ёқлама андозалар»дан фойдаланиш. Жаҳон оммавий ахборот воситалари АҚШ Давлат департаменти томонидан эълон қилинган ва Ўзбекистон ҳам тилга олинган «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» деб аталмиш рўйхатни ана шундай шарҳламоқдалар.

Яқинда Хитойнинг «Синьхуа» ахборот агентлиги юқорида айтиб ўтилган рўйхат эълон қилиниши биланоқ, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги баёнот билан чиққани ва унда Тошкент АҚШни ўз ички ишларига аралашаётганликда айблаётгани тўғрисидаги хабарни тарқатди.

Хитой агентлигининг қайд этишича, «Ўзбекистон халқаро терроризмнинг мусулмонларнинг муқаддас дини бўлмиш ислом дини билан боғланишини доимо қоралаган ва бунга ҳар доим қарши чиқади».

Ўзбекистон ТИВнинг баёнотига тўхталиб, «Синьхуа» мазкур ҳужжатда «Ўзбекистонда 18 дин конфессияси вакиллари тинч-тотувликда яшаб келиб, ўз диний маросимларини эркин тарзда амалга ошираётгани, ўтган йиллар давомида мамлакатда бирорта ҳам динлараро зиддият ёки можароли ҳолат қайд этилмагани» тўғрисидаги фикрларни келтиради.

Мисрнинг «MENA» ахборот агентлиги ҳам АҚШ Давлат департаменти томонидан эълон қилинган рўйхат ва Ўзбекистонга нисбатан айтилган айбловларни мамлакатимизнинг ички ишларига аралашиш, деб ҳисобламоқда. Агентликнинг қайд этишича, АҚШ ташқи сиёсат маҳкамасида Ўзбекистон ўз фуқароларининг эътиқод ҳамда виждон эркинлигини чекламоқда, деб айблаш учун ҳеч қандай асос ва факт йўқ. Ўзбекистоннинг бу масаладаги нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаган ҳолда «MENA» мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги баёнотига мурожаат этиб, Ғарб сиёсатчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари исломни терроризм билан боғлаётгани ва «сўз эркинлиги» ниқоби остида миллионлаб мусулмонларнинг шаъни ва миллий қадриятларини таҳқирлаётганини таъкидлайди.

«Жаҳон» АА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Сизнинг юксак эътиборингиз туфайли Ўзбекистон Республикасига Корея Республикасининг Бош вазири сифатидаги илк ташрифим муваффақиятли ўтди.

Юртингизга ташрифим давомида Марказий Осиёнинг етакчи давлати – Ўзбекистон Сизнинг доно раҳбарлигингизда иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг янги марраларини эгаллаш йўлидан дадил бораётганига гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистон Республикасига сафарим чоғида Сиз ва мамлакатингиз ҳукумати давлатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор бераётганингизга яна бир бор амин бўлдим. Мен яна шунга ишонч ҳосил қилдимки, Сиз, Жаноби Олийларининг жорий йилнинг март ойида мамлакатимизга ташрифингиз асносида йўлга қўйилган Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Сизга Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг самимий саломини етказиш менга мамнуният бахш этади. Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлик, оилангизга бахт-саодат, Ўзбекистон янада гуллаб-яшнаши ва тараққий этишини тилаб билдирган истакларимни қабул этгайсиз.

Хан Мёнг СУК, Корея Республикаси Бош вазири.

ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Тошкентда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг иккинчи қурултойи бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўтказилди.

Қурултойда "Камолот"нинг туман, шаҳар ва вилоят бўлимларидан делегатлар, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, маънавият-маърифат соҳаси вакиллари иштирок этди.

...Мамлакатимиз ёшларининг қурултойи бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Анжуманда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси А.Алимов ҳаракатнинг ўтган беш йил давомидаги фаолияти тўғрисида маъруза қилди.

Президент Ислом Каримовнинг, фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган сўзларида Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялаш борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ушбу вазифа жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Чунки мамлакатимиз, халқимиз олдида турган олий мақсадларга эришиш, Ватанимиз келажаги энг аввало, ёшларимизга, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Бугун ёшлар республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қилади. Юртбошимизнинг қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг жисмоний, руҳий ва маънавий ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Хусусан, ниҳоясига етаётган "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури ҳам ушбу вазифага тўлиқ жавоб беради. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунчилик базаси яратилган. Йигит-қизларимизнинг интеллектуал даражасини оширишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишда салмоқли натижаларга эришилди. Бугунги кунда мактаблар, коллежлар, лицейлар ва олий ўқув юртларида ўқитиш жаҳон тажрибаси асосида такомиллаштирилган янги таълим стандартлари бўйича олиб борилмоқда.

Болалар ва ёшларни жисмоний тарбия ҳамда спортга оммавий жалб этиш бўйича ноёб уч поғонали тизим соғлом авлодни тарбиялашнинг узвий қисми ҳисобланади. У мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ва олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада" мусобақаларини ўз ичига олади. Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Республикамизнинг энг чекка қишлоқ жойларида ҳам замонавий спорт мажмуалари барпо этилди, спорт турлари бўйича ўнлаб секциялар ишлаб турибди. Бу ишлар самараси эса турли халқаро мусобақалар, Олимпиадаларда совринли ўринларни қўлга киритаётган ёш спортчиларимизнинг ғалабаларида ўз аксини топмоқда.

Ушбу кенг кўламли ишлар ўсиб келаётган ёш авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган. "Камолот" эса бу борада кўплаб кенг миқёсдаги лойиҳа ва тадбирлар ташаббускори ҳамда мувофиқлаштирувчиси бўлиши даркор. Бугун ушбу ташкилот мамлакатимизда 4,6 миллион нафардан ортиқ йигит-қизни бирлаштирувчи энг йирик жамоат бирлашмаси ҳисобланади. Республиканинг барча туман ва шаҳарларида ҳаракатнинг бўлимлари мавжуд. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий вазифа ва мақсади – ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўғил-қизларимизда миллий истиқлол ғоясига асосланган мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантириш, ўсиб келаётган авлоднинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишда жамият саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборатдир.

Қурултойда ўтган беш йил мобайнида ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Чунончи, республикамизда ёшларга ҳуқуқий ва тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни касбга йўналтириш ва ўқитиш, иш билан таъминлашга ёрдам берадиган ижтимоий хизмат марказлари ташкил этилди. Йигит ва қизларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда билим даражасини ошириш борасида мунтазам ғамхўрлик қилинмоқда. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида фестиваллар, кўргазмалар ва ижодий танловлар ўтказилаётир. Жумладан, "Камолот" аъзолари "Келажак овози", "Йилнинг энг яхши ғояси" республика танловлари, интеллектуал олимпиадаларни ўтказишда фаол иштирок этмоқда.

"Камолот" фаолиятига кирадиган соҳалардан яна бири — соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир. Бу иш билан барча ҳудудларда ташкил этилган ёшлар ресурс марказлари шуғулланмоқда. Бу борада маҳаллалар, ўқув юртларида семинарлар, учрашувлар ўтказилмоқда, ўқув қўлланмалари, кўргазмали тарғибот воситалари чоп этилмоқда.

"Камолот"нинг дастурий мақсадларига эришишда ёшларнинг бевосита иштирок этиш механизмлари яратилмоқда. Ушбу йўналишда ёшлар етакчиларини тайёрлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ёшларда новаторлик кўникмаларини шакллантириш билан шуғулланадиган "Етакчи" ўқув маркази фаолият юритмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳузурида тузилган "Камалак" республика болалар ташкилотининг туман, шаҳар ва вилоятларда 4,2 миллион нафардан ортиқ мактаб ўқувчисини бирлаштирган бўлимлари ишлаб турибди. "Камалак" болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавият ва маърифат соҳаси, уларнинг жонажон ўлкамиз тарихи, маданияти бўйича билимини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Шу билан бирга, қурултойда сўзга чиққанлар сўнгги пайтда "Камолот" фаолиятида жиддий камчиликлар мавжудлиги ва улар ҳаракатнинг Низом ва Дастурида белгиланган мақсад ҳамда вазифаларни тўлиқ амалга ошириш имконини бермаётганини таъкидладилар. Бу, Президент Ислом Каримовнинг жорий йил 10 октябрдаги қарорида қайд этилганидек, биринчи галда, ёшларнинг орзу ва интилишларини рўёбга чиқариш, уларга жамиятимизни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий янгилаш жараёнида ўз ўрнини топишда кўмаклашиш масаласига тааллуқлидир. Айрим ҳолларда ҳаракат фаолиятида расмиятчилик, тадбирларни шунчаки ҳисобот учун ўтказиш, ёшларнинг ҳаётий муаммоларидан узоқлашиш ҳолатлари кузатилмоқда, ёш етакчиларнинг қобилият ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу ёшлар, айниқса, олис туманларда яшаётган ёшларнинг "Камолот" олдига қўйилган амалий вазифалардан четда қолишига олиб келмоқда. Шунингдек, ёшлар, айниқса қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда замонавий дунёқарашни шакллантириш, йигит-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Ўқув жараёнининг сифати, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун шароит яратиш ўқув юртларидаги бошланғич ташкилотлар эътиборидан четда қолмоқда. Бундан ташқари, ўқув юртларини тугатган битирувчиларни ишга жойлаштириш, ёш мутахассисларга малака оширишда кўмаклашиш борасида "Камолот" олиб бораётган ишлар ҳам талаб даражасида эмас.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

уқтирилди. Барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари қонун лойиҳаси хўжалик юритувчи субъектларга ва жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ юкини янада камайтиришга, солиқ солиш тартибини бирхиллаштиришга қаратилганлигини таъкидладилар. Депутатлар киритилган таклифларни инобатга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил тўққиз ойидаги ижроси якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари С.Бекенов ахборот берди. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов ушбу масала юзасидан қўшимча маъруза қилди.

Мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш чоғида ҳисобот даврида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш давом эттирилганлиги, бюджет-солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкини камайтирган ҳолда бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмлари мувозанатини таъминлашга қаратилганлиги, иқтисодий ўсиш ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам берганлиги таъкидланди. Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил тўққиз ойидаги ижроси якунларини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

(ЎзА).

Кеча куйи палатада «Адолат» социал-демократик, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик ва Фидокорлар миллий демократик партиялари демократик блокининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ЎзЛиДеП фракцияси раиси А.Шодмонов бошқарди.

ДЕМОКРАТИК БЛОК ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги (биринчи ўқиш) қонун лойиҳалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил тўққиз ойидаги ижроси якунлари тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Биринчи масала бўйича «Адолат» СДП фракцияси раиси Д.Тошмуҳамедова сўзга чиқиб, мазкур қонун лойиҳасининг қисқача мазмуни ва аҳамияти ҳақида гапирди. Мазкур масала бўйича сўз олган молия вазирлиги вакили И.Голишева ушбу Солиқ кодексига киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумот берди ва мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда солиқ тизимини такомиллаштириш ҳамда иқтисодиётимизнинг янада ривожланишига хизмат қилишини таъкидлади.

Фидокорлар МДП фракцияси раиси А.Турсунов эса республикамизда ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш ҳақидаги қонун лойиҳаси бўйича гапириб берди. Маълумки, 1991 йилнинг 25 октябрида Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ Ички ишлар вазирлиги ташкил этилганди. Шу боис, қонун лойиҳасида 25 октябрни ички ишлар идоралари ходимлари куни этиб белгилаш таклиф қилинмоқда.

Давлат бюджетининг жорий йил тўққиз ойидаги ижроси якунлари тўғрисида сўзга чиққан куйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси А.Аҳадов бу масала бўйича маълумотлар депутатларга тўлиқ етказилганини эътироф этди. Унинг айтишича, ўтган тўққиз ой мобайнида бюджет ижроси қониқарли бажарилган. Бироқ, эътирозлар ҳам мавжуд. Масалан, зарар билан ишлаётган корхоналар сони камаймаяпти. Бундан ташқари, енгил саноатда пайпоқ ишлаб чиқариш борасида ҳам муаммолар мавжуд. Айни пайтда хориждан олма, цитрус маҳсулотларининг кўп кириб келиши мамлакатимизда боғдорчиликни ривожлантириш борасида қилинаётган амалий ишлар самарадорлигининг ошишига хизмат қилмаслиги айтиб ўтилди.

Депутатлар муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарлари ва таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар ҳамда уларни маъқуллашди.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АДОЛАТ ЧИРОҒИ, ҲАҚИҚАТ НУРИ

ҳар доим, ҳар ишда, жумладан, фермерларга ер ажратишда устувор бўлсин

Андижон вилояти марказидан шарқ томонда, 70 километр узоқликда "Дардоқ" деган қадимий қишлоқ бор. Ана шу қишлоқлик тадбиркор Алижон Аҳмедов раҳбарлигидаги "Оқсув" фермер хўжалигининг сутни қайта ишлаш корхонасида тайёрланаётган маҳсулотларни, бир неча йилдирки, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси хуш кўриб харид қилмоқда.

Жорий йилнинг ўзида тадбиркор авиакомпания буюртмасига биноан 50 тонна пишлоқ етказиб берянти. Очиғи, Алижон Аҳмедов бундан 15 йил олдин қишлоғида шундай корхона қуришни, ўз маҳсулотининг дунёнинг турли томонларига учаётган нозиктаъб йўловчиларга манзур бўлишини хаёлига келтирмаганлиги айни ҳақиқат.

Мамлакатимизда ҳуррият шамоли эсгандан сўнг Алижон Аҳмедов фермер бўлишни орзу қилди. Орзусига эришиш учун елди, югурди. У ер олиш чоғида хўжаликдаги энг чекка жойга ишқибоз чиқди. Бўлажак фермер "Дардоқ"ликлар тўқай деб атайдиган далаларни бежиз танламади. Чунки Андижонда "анъанавий" жавоб тайёр эди — "аҳоли зич, ер оз". Ўша вақтларда тўқайзорда пахта ҳосилдорлиги 16-18, ғалла эса 20-25 центнердан ошмасди, экин қаддини ростлагунча далаларни қамиш босиб кетарди. Алижон Аҳмедовнинг айнан шундай далани танлаши маҳаллий раҳбарларга шу қадар хуш ёқдики, "мана энди томошангни кўрамиз" дейишгандек ер ажратишга бажонидил рози бўлишди.

Ҳозирда Алижон Аҳмедовнинг фермер хўжалигида 216 нафар киши ишлайди. Уларни ҳар жиҳатдан ижтимоий ҳимоялаш билан бирга олаётган иш ҳақлари ҳам эскича усулда ишлаётган хўжаликлардаги кўрсаткичдан бир неча баробар юқори бўлмоқда. Механизаторларнинг ойлик иш ҳақи эса йил-ўн икки ой 100 минг сўмдан кам эмас! Алижон Аҳмедовнинг димоғи чоғ. У ўз қишлоғида сафдошлари кўпайганидан ва уларнинг аксарияти эрта-индин катта мулкдор бўлиб кетишларидан хурсанд эканлигини яширмайди.

Алижон Аҳмедов билан шу хусусдаги суҳбатимиз анча маҳалгача давом этди. Билишимизча, 2005 йилда "Дардоқ" ширкат хўжалигида ишлаганларнинг ҳар бирига ақалли бир қопдан дон тегмаган. Пахта тайёрлаш режаси 70 фоиздан ошган, холос. Тайёрланган ҳосилнинг 32 фоизи 4-5 навларга мансуб бўлган. Ширкат кўрган зарар эса бир неча юз миллионларга етган. Алижон ака сингари ер олиб фермерлик эгарига минган "Дардоқ"лик 50 дан зиёд фермернинг эришган натижалари ҳар қандай кишининг эътиборини тортади. Бири 10 миллион сўм фойда кўряпман деса, бошқаси 20-30 миллионни кўзлаб турибди.

Холдор Йўлдошев ҳам ана шундай фермерлардан бири. У 70 ёшгача ширкатда ишлаб, бири икки бўлмаган. 49 гектар ерга эгалик қилган Холдор отанинг ғалласи чунон зўр бўлдики, бирга ишлаётганларга 25 тонна дон берди. 20 тоннасини ҳовлисига туширди, Пахтаси 100 фоиз биринчи навга сотилди. Икки соҳадан олаётган фойдаси 15 миллион сўм атрофида бўлаяпти.

— Худога шукр, Президентимизга минг бор қуллуқ, бизга ўхшаганларнинг ҳам елкасига офтоб тегадиган замонлар бор экан, — деди Холдор Йўлдошев. — Алижон Аҳмедовнинг ишларига ҳавас қилиб келганмиз. Ерлик бўлгач, ишга шўнғиб кетдик. Ўғит, ёқилғи дала бошида. Банкка борсанг, кредит жойида ҳал бўлади. Таваккалчилик қилдимми, билмадим. Ёз бошида уруғлик картошка оламан деб банкдан салкам 41 миллион сўм кредит сўрабман. Улар хўп дейишди. Тезда уруғлик сотиб олиб, 10 гектар ерга экдим. Шундан бери ҳамқишлоқларим мени "бой ота" дейишади.

Афсуски, вилоятнинг собиқ биринчи раҳбарлари Алижон Аҳмедов, Холдор Йўлдошевдек инсонларнинг ақл-заковатига, тадбиркорона меҳнатларига суянишмади. Масала моҳиятига чуқурроқ кирсак, нафсга бориб тақалаверади. Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидланганидек, "сохта маълумотлар, ахборотлар" билан яшаш ва ишлаш шу қадар кенг илдиз отдики, ақалли ёнма-ён далада фаолият кўрсатган фермер ва ширкат натижаларини қиёслашга, шундан хулоса чиқаришга қунт етмади. Куни кеча Избоскан туманида бўлганимизда ана шундай таҳлилга урониб кўрдик. "Избоскан" ширкат хўжалигида пахтачиликдан олинган фойда даражаси 1,1 фоиз, ғаллачиликда эса 20,3 фоиз бўлибди. Ширкатда ҳар гектар пахта майдонидан 10,4 минг сўм, ғаллазордан эса 122,7 минг сўмдан фойда кўрилибди.

Шу кунларда вилоятда 65 та ширкат хўжалиги тугатилаяпти. Ана шу хўжаликларнинг кредиторлик қарзлари салкам 50 миллиард сўм эканлигининг ўзиёқ Андижонда пахта ва ғалла таннархи ҳамиша 2-3 баробар юқори бўлиб келганини кўрсатиб турибди. Деҳқон ҳеч қачон ерга тушадиган ўғитга, ишлови учун сувдек зарур бўлган ёқилғига, уруғликка, қимёвий моддаларга хиёнат қилмайди. Таъминот масаласидаги ҳисоб-китоблар ширкатлардан ташқарида, тор доираларда амалга оширилганлигини эса оддий кетмончи ҳам, механизатор ҳам яхши билиб турарди. Ана шундай муносабат эса жуда кўплаб миришкор деҳқонларни, механизаторларни, мутахассисларни ишдан совутди, даладан узоқроқ юришга мажбур этди.

Андижонлик деҳқонларнинг ҳам бошқа вилоятлардаги ҳамкасблари каби аллақачон фермер бўлишларига ҳақлари бор эди. Фермерчилик жараёни камида 10 йил аввал бошланганда бир неча 10 миллиард сўмлаб қарздорлик қишлоқ хўжалигини ҳолдан тойдирмаган, деҳқонларни эса даласидан бездирмаган бўлар эди. 11 ноябрь куни Олтинкўл, Андижон, Жалақудуқ туманларида тугатилаётган ширкат хўжаликларининг бош пудратчилари, илғор фермерлар иштирокида мулоқотлар бўлиб ўтди. Ушбу мулоқотларда сўз олган оддий инсонларнинг сўзларидан, кўзларидан нур ёғилиб турибди. Муболағасиз айтиш мумкинки, деҳқонлар ана шундай мулоқотларга ташна эдилар.

Андижон туманидаги "Хатамбек-Машъалбек" фермер хўжалигининг раҳбари Неъматжон Аҳмедов 14 йил давомида фермер бўламан деб қанчалар сарсон-саргардон юрганлигини, бу йил 39 гектар ер олиб хумордан чиққанлигини лўнда қилиб айтиб берди. "Олган еримни беш қўлдек биламан, — деди у. — Бир йилда 10 йиллар давомида эришилмаган натижага эришдим. 24 сентябрь куни 31,5 центнердан ҳосил олиб, шартномани бажардим. Ҳосилнинг сифати юқорилиги боис даромадим кўтарилди. Фарзандларимнинг энг кичиги ҳам менинг ёнимда. Улар бу ерни ўзларига мерос бўлиб қолишини англашяпти. Топган соф фойдам 26 миллион сўм бўлди. Мен уни еримни "даволаш"га йўналтирмоқчиман. Чунки еримиз зах. Захни қочирсам, 40 центнердан ошириб ҳосил олавераман".

Қўрғонтепа туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигида Умурзоқ ота Холмирзаев деган машҳур деҳқон бор. Ҳаётининг 50 йилдан ортиғини далада ўтказган отахон ўн беш йилдан буён фермер бўлиш ниятида бош урмаган жойи қолмади. Яна андижонча жавоб, "Шошилманг, ерни сизга бермай кимга берамиз?" Бундай жавоблардан юраги зада бўлган Умурзоқ ота амалдорларнинг алдовларидан тўйди.

— Менинг вилоят раҳбарларига ишончим қолмаган эди, — деди Умурзоқ ота мулоқотда сўз олиб. — Чунки улар оддий меҳнат аҳлининг иссиқ-совуғидан яхши хабардор бўлишмасди. Айримлари ҳар замонда бўладиган тантанали маросимларга гердайиб бориб, лента кесишдан нарига ўтишмасди. Энг ёмон томони шундаки, улар ширкат хўжалигининг истиқболи йўқ эканлигини ҳис этишмас ёки буни билишса ҳам деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигига йўл очиб берадиган фермерлик ҳаракатига узоқ вақт тўсқинлик қилиб келишди. Касбимни фарзандларимга қолдирай, шу ёшгача эришмаган нарсаларимга эришай, деб фермерликка интилган эдим. Бир неча йил шу ниятимга эришолмадим. Бугунги суҳбат эса ноумид ҳаёлларимни тумандек тарқатиб юборди. Хурсандлигим боиси шуки, энди ернинг ҳақиқий эгаси деҳқон бўлади.

Мулоқотлар чоғида худди шундай фикрни балиқчилик моҳир пахтакор Ҳакимжон ота Қаюмов ҳам алоҳида таъкидлаб, Андижонда ислоҳотларнинг умидбахш шабадаси эсаётганлигидан эл-юрт мамнун эканлигини билдирди.

Очиқ, ошкоралик руҳида ўтган мулоқотларда бефарқликка барҳам бериш, бунинг учун ҳушёрлик, ҳамжиҳатлик зарур эканлиги, бунда раҳбар етакчи бўлиши лозимлиги такрор-такрор айтилди.

Андижон вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз ва халқ вакиллари томонидан янги раҳбарият зиммасига ғоят масъулиятли ва айни пайтда шарафли вазифа юклатилди. Вилоят иқтисодиёти, айниқса, унинг асосий тармоғи ҳисобланган аграр соҳада туб бурилишга эришиш зарур. Бунинг учун иқтисодий ислоҳотларни жорий этишдаги сусткашлик ва депсинишларга барҳам бериш, фермерлик ҳаракати йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш керак. Юртбошимиз ва халқ депутатларининг юксак ишончи ташаббус кўрсатишни, қатъиятли бўлишни, ҳар бир жабҳада адолатни қарор топтириб, эл-юрт билан ҳамжиҳатликда иш олиб боришни тақозо этмоқда.

Қобилжон АСҚАРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

(«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 28 ноябрь сонидан қисқартириб олинди).

ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўз ишини бошлаш истагидаги ёш фермерлар ва тадбиркорларга ёрдам кўрсатиш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Буларнинг барчаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши, орзу-умидларини рўёбга чиқарувчи, ёшларга доир давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишда уларнинг ваколатли вакили бўлиши учун ташкилот фаолиятининг самарадорлигини оширишни талаб этади. Бу борада асосий саъй-ҳаракат мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг иштирокини кенгайтириш, уларда халқимиз маънавияти ва миллий истиқлол ғоясига ёт бўлган турли оқимларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларни мамлакатимиз равнақи йўлидаги хайрли ишларга жалб қилишга қаратилиши лозим. Шу сабабли белгиланган вазифаларни амалда бажариш тизимини ташкил этиш, ёшларнинг илм-фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик соҳасидаги ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, давлат ва жамоат тузилмалари, ёшлар халқаро ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш даркор.

Ушбу асосий йўналишлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қурултойи делегатлари муҳокамасига ҳавола этилган янги таҳрирдаги Низом ва Дастурида ўз аксини топди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Г.Аъзамова ушбу ҳужжатларнинг янги таҳрирдаги лойиҳаси тўғрисида ахборот берди.

"Камолот"нинг Низом ва Дастурига зарур ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш мақсадида ташкил этилган махсус марказга республикамизнинг турли ҳудудларида яшаётган ёшлардан 5 мингдан ортиқ таклиф тушди. Тайёрланган ушбу ҳужжатлар лойиҳаси ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари, шунингдек, махсус очилган сайтларда, ёшлар газеталари саҳифалари, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда кенг муҳокама қилинди.

Янги таҳрирдаги Дастурда "Камолот" ҳаракати ўз фаолиятини амалга оширадиган олтита асосий соҳа белгилаб олинди. Улар – демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида, маънавият ва маърифат, ижтимоий-иқтисодий соҳалар, шунингдек, истеъдодли ва қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорлик соҳаларида фаол иштирок этишдир.

"Камолот"нинг янги Низомида ёшларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ёрдам марказлари тармоғини кенгайтириш, ижодий ва интеллектуал қобилиятини ривожлантириш борасида бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш каби вазифалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкилий тузилмаси, аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Эндиликда унга 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ҳар бир йигит-қиз аъзо бўлиши мумкин.

Қурултойда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида "Ёш куч" журнали бош муҳаррири Ю.Жўраев маъруза қилди.

Қурултойга республикамизнинг турли ҳудудларидан делегат бўлиб келган ёшлар – Ўзбекистон Миллий университети "Камолот" ҳаракатининг бошланғич ташкилоти етакчиси С.Жўрабоев, Жиззах шаҳридаги 22-мактаб ўқувчиси Ю.Ҳамроқулова, Наманган вилоятидан ҳарбий хизматчи Б.Исломов, ҳаракатнинг Андижон вилоят кенгаши фаоли А.Нурматов, Навоий шаҳридаги 1-гимназиянинг етакчилар кенгаши раиси Т.Турдиев ва бошқалар ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини янада яхшилаш борасидаги ўз фикр ҳамда таклифларини билдирди. Улар ўз чиқишларида Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги ёш авлод вакиллари зиммасига алоҳида масъулият юклаши, бошланғич ташкилотлар ҳамда ёшлар ҳаракати аъзоларини янада фаол бўлишга ундашини таъкидладилар.

Делегатлар муҳокамасидан сўнг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг янги таҳриридаги Низоми ва Дастури қабул қилинди.

Қурултойда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий кенгаши таркиби сайланди. А.Алимов Марказий кенгаш раиси этиб сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби А.Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.

Кузнинг сўнгги ўн кунлиги водий тарафларда изғиринли, совуқ келди. Лекин табиатнинг бу инжиқлиги Ўзбекистон Конституциясининг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган умуммамлакат марафони иштирокчилари кайфиятига ҳам, маҳоратига ҳам заррача таъсир кўрсатгани йўқ.

Изғирин писанд эмас

дейишмоқда умуммамлакат марафони иштирокчилари

Аксинча, уларга пешвоз чиққан, бирга югурган, ҳамқадам бўлган кишилар, болалар, ўсмирлар сони ҳар йилгидан зиёд бўлди. Фикримизни марафончиларга Фарғона вилоятида илк мезбонлик қилган Қувада иштирокчилар сони мингдан ортиб кетганлиги ҳам кўрсатиб турибди.

Қадимги Қуббо заминида марафончилар буюк бобомиз Аҳмад-ал Фарғоний мажмуасини зиёрат қилишди. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий номи билан аталадиган майдонда вилоятдаги мусобақаларга якун ясалди. Ҳазрат ҳайкали пойида марафончилар шарафига ўтказилган йиғилиш спорт байрамига, конституциямиз яратиб берган имкониятлар мадҳига, шукроналик изҳорларига айланиб кетди.

Эрта тонгдан шаҳарнинг барча кўчалари, майдонлари, ўйингоҳлари марафончилар билан тўлиб-тошди. Марафончилар Олтиариқ, Риштон, Боғдод туманлари ҳудудларини босиб ўтиб, кўҳна Қўқоннинг Худоёрхон арки олдида босқичга якун ясалди.

Бугун эрта тонгдан старт олган марафончилар азим Сирдарёдан ҳатлаб, қорли Қамчиқ довонидан ошиб, Тошкент вилояти ҳудудига қадам босишди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИЗГА КАТТА ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТЛАР БЕРИЛГАН

Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг иккинчи қурултойида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган ёшлар вакиллари иштирок этишди. Қурултой қатнашчилари мамлакатимиз ёшлари ҳаётида муҳим воқеа бўлган ушбу анжуман ҳақидаги фикрларини ЎзА мухбирига гапириб беришди.

Наргиза КОТОЛЕВЕЦ, Қашқадарё вилояти Мубарак шаҳридан, компьютер дастурчиси:

— «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг қурултойида шаҳримиз ёшлари вакили сифатида қатнашиш мен учун катта шараф бўлди. Мен Тошкентга ўз таклифларим билан келдим. Уларни айта олганимдан, бошқа вилоятлардан келган тенгдошларим ҳам бу таклифларни қўллаб-қувватлаганидан хурсандман. Ўйлайманки, ёшлар муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашадиган амалий ишлар билан ҳаракат фаолиятини жонлантириш лозим. Масалан, ўқув муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш барча ташкилотлар, шу жумладан, бошланғич ташкилотлар эътиборида бўлиши керак. Бунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари, корхоналар билан ҳамкорликни кенгайтириш, ижтимоий шерикликни ривожлантириш даркор. Қурултой ошкора мулоқот руҳида ўтди, янги режалар, истиқболлар белгиланди. Уларни амалга ошириш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотларга ёш авлоднинг қўшаётган ҳиссаси бўлади.

Дониёр КАРИМОВ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар кенгаши раиси:

— Қурултойда қатнашиб, мамлакатимизда ёшларга қанчалик катта эътибор қаратилаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Давлатимиз раҳбарининг қатор фармонлари ёшлар муаммоларини ҳал қилишга қаратилган, бу Президентимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарорида ҳам ўз ифодасини топган. Қурултойда «Камолот»нинг, биринчи навбатда унинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш хусусида кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди. Ҳақиқатан ҳам айнан шу босқичда ишларни яхшилаш керак. Чунки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг янги таҳрирдаги Низоми ва Дастури, уларга киритилган ўзгартишлар бу ишларни ривожлантиришда муҳим омил бўлади. Ишончим комилки, қурултойдан сўнг маҳаллий ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда бизга янада кўпроқ кўмаклашади.

Екатерина МАҲМУДОВА, Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 3-мактаб ўқувчиси:

— Уйга янги фикрлар, ғоялар билан қайтяпман. Биз қурултойда ёшлар ҳаётига оид энг долзарб масалаларни очиқ муҳокама қилдик. Мамлакатимизда ёш авлод катта ҳуқуқ ва имкониятларга эга ва уларни амалга оширишга қурбимиз етади. Туманлардаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини яхшилашга қаратилган таклифларга келсак, бизга ёшлар ижодиётини ривожлантириш бўйича турли тадбирларни ўтказишда ёрдам зарур. Энди, қурултойдан сўнг, бу муаммоларни ҳал қилиш мумкин бўлади. Анжуман туфайли биз бошқа вилоятлардан келган ёшлар етакчилари билан танишиш, делегатлар учун уюштирилган дўстлик кечаларида улар билан дилдан суҳбатлашиш имконига эга бўлдик. Бу бизга ёшлар ҳаракатининг вазифаларини яхшироқ англаш, тенгдошларимиз ҳаёти билан яқиндан танишиш имконини берди. Қурултой биз учун ҳақиқий байрамга айланди. Кўпчилигимиз аввал пойтахтда бўлмаганмиз. Тошкент — мўъжиза шаҳар экан. Унинг бетакрор қиёфаси, замонавий бинолар, кўприклар, хиёбонлар ва музейлар бизда катта таассурот қолдирди. Биз Ватанимиз пойтахти, мустақил Ўзбекистонимиз юраги бўлмиш Тошкент шаҳри билан фахрланамиз.

Фирдавс ШИРИНОВ, Навоий машинасозлик заводи цех устаси:

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иродаси мустаҳкам, собитқадам янги авлод вояга етди. Демократик жамият қурилишига ўз ҳиссамизни қўшмоқчи эканмиз, бунинг учун билимли бўлишимиз, амалга оширилаётган ўзгаришларнинг моҳиятини англаб етишимиз зарур. Бундай тарғибот ишлари билан аввало «Камолот» шуғулланиши лозим. У ёшларни иш билан таъминлаш, дам олишни ташкил этиш каби масалаларни ҳал қилишдан четда турмаслиги лозим. Корхонамизда бу ишлар яхши йўлга қўйилган. Энди янада фаолроқ ҳаракат қиламиз, чунки қурултойда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Низоми ва Дастурида ёшлар олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилишимиз зарур.

ЎзА мухбири Анна ИВАНОВА ёзиб олди.

Энг яхши ахборот гуруҳи

Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицейда ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи-педагоглар ўртасида «Энг яхши ахборот гуруҳи» танловининг вилоят босқичи якунланди.

Танловни ўтказишдан мақсад, мамлакатимизда ва хорижда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни шарҳлаш, хабарларнинг ҳаққонийлигини, ижобий ўзгариш ва муваффақиятларни ўқувчилар онгига етказишдан иборат эди. Бу борада Сартепа туризм коллежининг «Истиқлол» гуруҳи рақибларидан устун келиб, танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Покистон НАТОга расмий мурожаат билан чиқди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Хуршид Касури Шимолий Атлантика альянси Афғонистонда муваффақиятсизликка учраганини тан олиши ва толибонлар билан музокаралар ўтказиши лозимлигини таъкидлади. Бу ҳақда Лондонда чоп этиладиган «Телеграф» газетаси хабар тарқатди.

Молдова Россияга яна вино экспорт қилишни давом эттиради. Бу Владимир Путин ўз ҳамкасби Владимир Воронин билан Минскда ўтказилган яккама-якка учрашувидан сўнг маълум қилди. РИА «Новости»нинг хабар беришича, Молдовадан импорт қилинадиган вино маҳсулотлари россиялик мутахассислар томонидан текширувдан ўтказилади. Жорий йил март ойидан бошлаб Грузия ва Молдовада тайёрланган спиртли ичимликлар сифат жиҳатидан талабга жавоб бермагани учун Россияга экспорт қилиш тақиқланганди. Бу эса Молдова иқтисодига катта зарар келтирди.

Куба раҳбари мамлакатда кенг нишонланиши кутилаётган ўзининг 80 йиллик юбилейида иштирок эта олмайди. Мамлакат аҳолиси Гаванада бўлиб ўтадиган маросимда Фидель Кастронинг омма олдида чиқиш қилишини кутишганди. Унинг махсус вакилининг маълум қилишича, Фиделнинг соғлиғи бунга йўл қўймайди. Аслида беш кунга мўлжалланган юбилей тантаналари август ойида ўтказилиши керак эди. Бироқ етакчининг тўсатдан соғлиғи ёмонлашуви муносабати билан маросим декабрь ойига қолдирилганди.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши бир овоздан Ироқдаги кўп миллатли ҳарбийлар 2007 йилнинг охиригача қолиши тўғрисидаги резолюцияни маъқуллади. Мазкур резолюция Ироқ Бош вазири Нури ал-Маликининг Хавфсизлик Кенгашига йўллаган сўрови асосида қабул қилинди. Айни пайтда мамлакатдаги Америка ҳарбий контингенти 144 минг нафарни ташкил этади. Ҳозирда АҚШ Конгрессидаги демократлар Ироқдан тўрт-беш ой давомида ҳарбийларни ўз уйларига қайтаришга ҳаракат қилишмоқда. Уларнинг фикрича, мамлакатдаги вазиятни дипломатик йўл билан ҳал қилиш мумкин.

ЕИ иттифоқнинг 12 нафар аъзосини ФҚБнинг махфий қамоқхоналари тўғрисидаги маълумотларни яширганликда айблади. Европарламентда тузилган махсус комиссия томонидан тайёрланган ҳисоботда келтирилишича, ЕИга аъзо мамлакатлар ҳукуматларининг аксарияти ФҚБга тегишли самолётлар иттифоқ ҳудудига қўнганини ва ҳақиқатан махфий қамоқхоналар мавжудлигини билишади, лекин бу ҳақдаги маълумотлар оммадан сир тутишмоқда. Комиссия раҳбари Клаудио Фава текширув натижаларини эълон қилар экан, Шарқий Европанинг бир қатор давлатлари ФҚБ билан фаол ҳамкорлик қилганини билдирди.

Франция, Германия ва Буюк Британия Эронга нисбатан қўлланиладиган санкция резолюцияси лойиҳасини қайтадан ишлаб чиқди. Бу ҳақда Франция Ташқи ишлар вазирлиги расмий баёнот берди. Айни пайтда танишиб чиқиш учун лойиҳа Россия, АҚШ ва Хитойга юборилди. Мазкур давлатлар розилиги олингандан сўнггина лойиҳа БМТ Хавфсизлик Кенгашига берилади. Россия Ташқи ишлар вазирлиги ҳозирча бу ҳақда давлат нуқтаи назарини маълум қилгани йўқ.

Латвия пойтахтида НАТОга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди. Ригада чиқиш қилган АҚШ Президенти Жорж Буш Грузия ва Украинанинг аъзо бўлиб кириши учун альянснинг эшикларини очиш лозимлигини қайд этди. Унинг сўзларига кўра, агар Грузия НАТОга кириш йўлидаги ислоҳотларни давом эттирса, Вашингтон қўллаб-қувватлашини билдирди. Бундан ташқари, Буш Украина халқи ҳам альянсга киришни исташса, АҚШ тарафидан ҳар тарафлама ёрдам кўрсатилишини таъкидлади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«БИЗ ЎЗБЕКИСТОНДА БУТУН МУСУЛМОН ДУНЁСИГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ИСЛОМ ДИНИ ҚАДРИЯТЛАРИ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ ҚАЙТА ТИКЛАНИШИДАН ҲАЙРАТГА ТУШДИК»

Аввал хабар берилганидек, Кувайт давлати алоқа вазири Маъсума Солиҳ ал-Муборак раҳбарлигидаги делегация юртимизда бўлиб қайтди. Меҳмонлар мамлакатимиз вазирлик ва идораларида қатор учрашувлар ўтказишди, Бухоро ва Самарқандни зиёрат этдилар.

Делегация раҳбари **Маъсума Солиҳ ал-Муборак** бу ерда орттирган таассуротларини ўртоқлашар экан, жумладан, шундай деди:

— Мустақил Ўзбекистон чинакам маърифатли ва тинчликпарвар ислом гуллаб-яшнаган ва яшнаётган заминдир.

Делегациямиз Самарқанд ва Бухорода қатор масжид, мадраса ва ўзбек халқи маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган бошқа тарихий ёдгорликлар зиёратида бўлди. Ўзбекистонликлар ушбу осори-атиқаларга, бутун мусулмон дунёсига тегишли бўлган ислом дини қадриятлари ва маънавий меросига нақадар меҳр ва ардоқ билан муносабатда бўлаётганини кўриб биз ҳайратда қолдик, — дея таъкидлади ал-Муборак хоним.

Кувайт олий таълим вазири ўринбосари доктор Рашо ас-Сабоҳ:

— Ўзбекистонда бўлганимда бетакрор кўринишга эга ва ўз олдига қўйган мақсадлари йўлида тинимсиз меҳнат қилаётган халқингизнинг самимийлиги ва меҳмондўстлиги мени лол қолдирди. Фикримча, биз қўлга киритган муваффақиятларингизни муносиб баҳолашимиз керакки, улар орасида ўзбек халқи маънавий ва маданий меросини тиклаш ҳамда асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни алоҳида қайд этишни истардим.

«Бухоро ва Самарқандга борганимизда ушбу кўҳна шаҳарлардаги тарихий осори-атиқаларнинг нечоғлик яхши сақланиб турганидан биз ҳайратландик», — деди **Кувайт университети профессори Лубна ал-Қозий**. «Биз мустақилликка эришилганидан сўнг қайта тикланган Имом ал-Бухорий мажмуини ҳам зиёрат этдик. Мамлакат раҳбариятининг ислом цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирлар меросини қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари бизни бениҳоя қувонтирди. Ўзбек халқи Ислом илми асосчиларидан бири, жаҳоннинг турфа мамлакатлари ва Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан эҳтиром кўрсатиш учун муборак зиёратгоҳига минглаб эътиқод кишилари келадиган буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий меросини юксак даражада улуғлайди. Имом ал-Бухорий масжиди имоми Маҳмуджон Ибодуллаев билан бўлган мулоқот бизда катта таассурот қолдирди. Мамлакатда диншунослик мактаби ва диний илмлар даражасининг юқорилигидан ҳайратландик. Умид қиламизки, Кувайт фуқаролари ҳам Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат этиш имконига эга бўладилар.

Биз Ўзбекистонда мусулмонлар ҳамда бошқа динларга эътиқод қилувчилар учун барча шароитлар яратилганини ўз кўзимиз билан кўриб, бунга тўла амин бўлдик. Республика Конституциясида барча фуқаролар виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг муҳрлаб қўйилгани мамлакатда диний бағрикенглик таъминланишининг кафолатидир. Маънавий-тарихий ва диний қадриятларни тиклаш Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилган».

«Ал-Қабас» газетаси мухбири Лайло Абдул Азиз Ас Саррофнинг айтишича, Ўзбекистондаги ноёб тарихий-маънавий ёдгорликлар ўзбек халқи маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутади. Улар, шунингдек, бутун инсоният тараққиётида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

— Ўзбекистондаги ёдгорликлар ислом маданиятининг нодир осори-атиқалари ҳисобланади, — дейди кувайтлик журналист. — Бу ноёб меросни авайлаб-асраш нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун мусулмон дунёсининг бурчидир. Маънавий-тарихий қадриятларни қайта тиклаш юзасидан мамлакат раҳбарияти кўраётган чора-тадбирлар бизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди.

Боробудур – ороллар мамлакатининг афсонавий ёдгорлиги

Шу йилнинг сентябрь ойида ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маданиятлараро ва динлараро мулоқотни ривожлантириш ҳамда таълим тизимига бағрикенгликни татбиқ этиш ишига қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президентига «Боробудур» медалини топширганидан сўнг бу мафтункор ном кўпчиликнинг хотирасига муҳрланиб қолди...

Бу мўъжизавий тарихий иншоот Индонезиянинг Ява оролида жойлашган. Боробудур катталиги жиҳатидан дунёда учинчи ўринда турадиган будда ибодатхонаси ҳисобланади.

Боробудур деганда «кўплаб Буддалар» ёхуд «минглаб Буддалар ибодатхонаси» тушунилади. Аслида у «тоғдаги ибодатхона» маъносини англатади. («Боро» — ибодатхона, «будур» — тоғ). Негаки Боробудурдаги Буддалар сони мингта эмас, балки беш юзтадан бироз кўп.

Кўҳна ҳинд афсоналарида ёзилишича, ушбу улкан ибодатхона мажмуининг қурувчилари Ява оролида афсонавий Мера тоғини, унда бутун борлиқ жойлашган тиллакор чўққини бунёд этишга ҳаракат қилишган. Боробудур ана шундай ният ҳосиласи сифатида дунёга келган. У катталиги жиҳатидан Камбоджадаги Ангкор ҳамда Бирмадаги Шведагон иншоотидан кейинги учинчи ўринда турса-да, жанубий ярим шардаги энг йирик буддавий-ҳиндуизм ёдгорлиги ҳисобланади.

Боробудур тақрибан 800 йиллари Саилендара династияси даврида қурилган. Ушбу ибодатхона тоғини барпо этиш учун қарийб 75 йил зурур бўлган. Қурилишга сонсаноқсиз ишчилар, ҳунарманд ва ҳайкалтарошлар жалб этилган. Орадан 200 йил ўтгандан сўнг у ташландиқ ҳолига келиб қолган. У аста-секин емирила борган, чор-атрофдан чангалзорлар «босиб» кела бошлаган. Кейинроқ эса, Наполеон билан уруш кечаётган кезларида инглиз экспедиция қўшинлари Ява оролига келишган. Ушанда бир инглиз офицери Боробудурни кашф қилган.

Сўнгра ибодатхона ўзини қоплаб олган чангалзорнинг дарахт ва ўсимликларидан халос этилди. 1907 йили эса голландиялик археологлар ёдгорликни таъмирлаш ишларини бошлашди. Кейинроқ, яъни 1970 ва 1980 йилларда ЮНЕСКО кўмагидаги катта миқёсдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Юқоридан қараганда Боробудур улкан геометрик белги ҳамда муқаддас «мандола» (санскрит тилида «доира» ва «марказ» маъноларини англатади) рамзи, яъни осмон ва замин бирлашиб кетган бутун борлиқ диаграммаси кўринишини касб этади. Ибодатхона мажмуи тепаликда, тепаликлар қуршовида қурилгани туфайли у шакл жиҳатдан зинали эҳромни эслатади. Унинг баландлиги 34 метрдан иборат. Мутахассисларнинг маълум қилишича, у 55 000 куб метр тошдан ташкил топган. Ёдгорлик пастки қисмидан бешта тўрт бурчакли айвон жой олганки, улар Ер рамзини англатади. Бўлар устидаги учта доирасимон айвон эса Руҳлар дунёсининг рамзидир.

Ибодатхонанинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унинг ички қисмида ҳеч нарса йўқ. Барча шакл ва рамзлар фақат ташқи томонда акс эттирилган. Буддавийлар Боробудурнинг ташқарисида туриб ибодат қилишади.

Боробудур қарор топган Ява оролининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, 170 миллион индонезияликнинг салкам 100 миллиони ушбу оролда яшайди. Унда бир квадрат километрга 770 киши тўғри келади. Бу эса аҳоли зичлиги Японияда гидан кўра икки баравардан ҳам кўпроқдир, деган гап.

«Боробудур» медали мазкур ёдгорлик билан боғлиқ, албатта. 1972 йили ЮНЕСКО Боробудурни асраб қолиш бўйича халқаро компания ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Шу мақсад йўлида қарийб 20 миллион АҚШ доллари сарфланди. 1983 йили компаниянинг муваффақиятли якунланиши муносабати билан ЮНЕСКО «Боробудур» медалини таъсис этди. У маданият, маориф, фан ва ахборот тараққиётига алоҳида ҳисса қўшган арбобларга тақдим этилади.

Ҳар йили Боробудурни томоша қилиш учун 2,5 миллион сайёҳ келади. 1991 йили ушбу ёдгорлик ЮНЕСКОнинг умумжаҳон меросларининг рўйхатига киритилган.

Шуҳрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА.

Банкларнинг изчил ва тўхтовсиз ривожланиб бориши макроиқтисодий барқарорлик гарови ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий қудрати йил сайин ортиб бораётган экан, бунда банк тизимининг молиявий ресурслари реал тармоқларга йўналтирилаётгани муҳим омиллардан бири бўлмоқда, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-56 сонли Қарори асосида Марказий банк, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари томонидан 2005-2007 йилларда банк секторини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури тасдиқланган бўлиб, бу ҳужжатда мавжуд банклар томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматларни юқори даражага етказиш ҳамда жойларда улар учун барча қулайликларни яратиш мақсадида филиаллар ва мини банклар ташкил этиш каби вазифалар белгилаб берилган.

«Алп Жамол банк»:

КРЕДИТЛАШ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА



Ушбу муҳим вазифаларни бажаришда барча тижорат банклари қаторида хусусий очиқ акционер тижорат банки — «Алп Жамол банк» ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Бугунги кунда унинг таркибида 4 та филиал ва 10 та мини банк бўлиб, банкнинг хизматлар кўрсатиш доираси тобора кенгайиб бормоқда.

Банкнинг ривожлантириш дастурига киритилган асосий стратегик мақсадлардан бири — бу унинг фаолият доирасини кенгайтириш, мижозларга барча қулайликларни яратган ҳолда, юқори сифатли банк хизматларини кўрсатишдир. Шундан келиб чиқиб, мазкур жамоа Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, давр, рақобат муҳити, мижозлар ва акциядорлар талабларини инобатга олган ҳолда, ўзининг ички кредит сиёсатига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиб, ушбу муҳим ҳужжатнинг бугунги кун талабларига мослигини таъминлаб келмоқда. Аниқроғи, барча мижозлардан тушган кредитга оид аризалар ўз вақтида кўриб чиқилиб, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига кредитлар ажратилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, банк ўз кредит сиёсатини ўтказишда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга асосий эътиборни қаратаяпти. Бундан ташқари, банк филиаллари томонидан республика аҳолиси эҳтиёжини қондиришга қаратилган кредитлар, жумладан, истеъмол, ипотека, автокредит, таълим ва бошқа турдаги кредитлар кенг кўламда тақдим этилаётир.

Жорий йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, банкнинг умумий кредит қўйилмаларининг қолдиғи 11,6 млрд. сўмни ташкил этди. Жалб қилинган кредит ресурслари ҳисобидан иқтисодиётнинг тўрли тармоқларига, хусусан, саноатга 2,5 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига 901 млн. сўм, савдо воситачиликка 7,2 млрд. сўм йўналтирилди.

Ўтган йилдагига нисбатан банкнинг кредитлаш жараёни кенгайганлиги туфайли кредит қўйилмалари ҳажми ҳам сезиларли даражада ўзгарганлигини кузатиш мумкин. 2005 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, банкнинг жами кредит қўйилмалари 3,4 млрд. сўмга ўсгани, шу жумладан, уларнинг таркибида узоқ муддатли кредитлар миқдори 1,2 млрд. сўмга ортгани шундан далолат беради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, банк томонидан, айниқса, кичик бизнес корхоналарини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ички имкониятлар ишга солиниб, тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозиргача ушбу соҳага 10 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилгани бунинг тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 195-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, ХОАТБ «Алп Жамол банк»и томонидан кичик бизнес субъектларининг имтиёзли кредит ресурсларидан кенг фойдаланиш мақсадида ўз фойдаси ҳисобидан имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳам шакллантирилмоқда. Ушбу фонд маблағлари банкнинг ҳудудий филиалларига тўғри тақсимланиб, маиший хизматлар соҳасини ривожлантиришга, аҳоли эҳтиёжи учун керакли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, янги хизмат турлари кўрсатиш

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Уларнинг хизмати, иш вақти бошқаларникига ўхшамайди. Хизмат вазифасини ҳисобга олганда, «иш бошланди», «тугади» деган сўзни ишлатиш мос келмайди. Ахир, уларнинг иши узлуксиз: кун тунга, тун кунга уланади. Дам олиш куни ҳам кўпинча хизмат жойида бўлишга тўғри келади. Улар бундан нолишмайди. Аксинча, беҳаловат турмушга кўникиб кетишган. Бу — одамларга саломатлик улашувчи шифокорлар ҳаёти. Шундай ҳаётни қадрлаб келаётганлардан бири Тамина Латиповадир.

ҲАЁТ МЕЗОНИ

У нима билан ўлчанади?

Эрта тонг. Кўпчилик хизматга — ишга отланадиган пайт. Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси травматология бўлимига кираверишдаги йўлакда бир аёл катта тувакдаги гулнинг барглари-ни артаётиб, у билан «суҳбатлашяпти»: «Неча йиллик қадрдонимсан-а, икки-уч кун қарамаганимга хафа бўлдингми? Шохларинг сўлиб қолибди-я. Сен билан ахир не-не синоатларни бошимиздан кечирмадик. Биласан-ку, ҳамиша кўм-кўк, яшнаб туришинг менга хуш қайфият, тетиклик бахш этади. Бугун дуо қил. Ишқилиб операция яхши ўтсин...»

Четдан бу ҳолатни кузатиб турган кишининг хаёлидан «Тавба, одам ҳам гул билан гаплашадими?» деган ўй ўтиши табиий. Буни қаранг-а, гаплашаркан-да. Йигирма олти йилдан буён шу аҳвол. Таминахон шифохонага кириб келганда, ҳали кўпчилик беморлари уйқуда бўлади. У дастлаб хонасидаги, кейин йўлакдаги гулларидан «хабар» олади. Сув қуяди, тагини юмшатади. Бироқ хаёли кечаги оғир беморида, бугун ўтадиган операциясида, танлаган мавзусини ўзи ҳали унчалик тушуниб етмаётган шогирдида, ва яна аллақаёқларни кезади. Одатий юмушларидан қутулган Таминахон иш столига ўтириб, кечаги ёзиб қўйган қайдларини бирма-бир кўздан кечираркан, уларга яна қўшимча қилди: «Реаблитация хонаси учун жиҳозлар...»

* * *

«Беморларнинг дардини енгмоқ шифокор учун катта бахт. Ўз касбига фидокорлик билан ёндашиб, ҳамиша виждонли, холис бўлиш — Тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси ходимларининг кундалик шиори бўлмоғи лозим». Бу фикрларни клиниканинг собиқ бош шифокори, марҳум Тоҳир Миродилов деярли ҳар куни қайтарарди. Энди эса шифохона раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Эльмира Боситхонова устознинг ана шу ўгитларини ходимларга эслатиб туради. Бу шунчаки шиор, шунчаки гап эмас. Чунки клиникадаги мавжуд барча бўлимлар (жарроҳлик, травматология, кўз қасалликлари, юз-жағ жарроҳлиги, эндокринология, терапия, кардиология)га беморлар деярли тез тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлган ҳолатда келтирилади. Бу пайтда инсон ҳаёти хавф остида бўлади. Беморга зудлик билан малакали тиббий ёрдам кўрсатилмаса, оқибати қандай тугаши равшан. Шу боис ҳам беморларга қабул бўлимларидаёқ дастлабки ташхис қўйилиб, илк муолажа бошланади.

Кўпчилик ҳали ҳануз «Жуковскийдаги неотложка»ни эслашади. Бунинг замирида эса клиниканинг бир асрдан мўлроқ тарихи ётади. Гап шундаги, 19 аср охирларида Туркистон аҳолиси орасида, жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам юқумли қизилча касаллиги тарқалади. 1898 йили юқумли касалхона — тез ёрдам шифохонасининг ибтидосини ташкил қилишга қарор қилинади. Шу тарика Тошкентда битта шифокор, фельдшер ва икки нафар энагадан иборат илк шифохона очилади. Орадан икки йил ўтгач, у умумий шаҳар шифохонасига айланади. Ходимлари ҳам кўпая боради.

1966 йил 26 апрель зилзиласи шаҳарнинг Жуковский кўчасида жойлашган Тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси манзилининг ўзгаришига сабаб бўлди. Боиси бино шикастланди. Шундан сўнг шифохона Чилонзор туманидаги мактаб-интернат биносига жойлаштирилди. Бир асрдан кўпроқ тарихга эга шифохона ҳаётининг йигирма олти йили Т.Латиповага ҳам тегишли. Аёл боши билан, ёш қизалоқларини уйда қолдириб, салкам ўн беш йил қабул бўлимида туну кун навбатчиликларда қолиб ишлаганлари унинг учун тажриба мактаби бўлди.

* * *

— Ёшлигимда кўп оғриб қолардим, — хотирлайди Таминахон. — Ревматизмимни даволатиш учун тез-тез шифохонада ётардим. Бир куни опам қўғирчоқ кўтариб келдилар. Униям ўзимдек бемор ҳисоблаганман-да, менинг қаеримга укол қилишса, қўғирчоқнинг ҳам ўша ерига «игна санчардим».

Таминахоннинг ёшлигидаги ўжарлиги, олдига қўйган мақсадига етмагунча тиниб-тинчимаслиги уни дўхтир бўлишга ундаган асосий сабаблардан бири эди. Оиласида на отаси, на онаси шифокор бўлган қиз ўзидаги қизиқиш, иштиёқ боис Тошкент давлат тиббиёт институтига кирди.

Республикада илк жарроҳ аёллардан бири, раҳматли Муқаддам Ашрапова бир гапни кўп қайтарардилар: «Жарроҳлик касби аслида аёлларга хос эмас. Чунки аёл қўллари ўта нозик, майин бўлмоғи керак. Ваҳоланки, жарроҳлик асбоб-ускуналарини ушлайвериб, бу қўллар қаваригі кетади. Бу эса феъл-атворингизга ҳам таъсир этади. Дағалроқ, қўполроқ бўлиб қоласиз. Ҳатто вақти келганда аёл киши эканлигингизни ҳам унутиб қўясиз. Ўзидан кечган, ҳақиқий фидойи аёлгина жарроҳ бўла олиши мумкин».

Институтни битириб, ишлашга йўлланма берилаётган пайтда Таминахонни жарроҳлик мутахассислиги бўйича шу клиникага ишга юборишди. Очиғи, соҳасини қанчалик яхши кўрмасин, бироқ суяк жарроҳлигидан қўрқарди. Саксон иккинчи йили биринчи марта ассистент бўлиб операцияда қатнашди. Шундан сўнг қўрқувни енгиб, астасекин травматолог жарроҳга айланди.

— Ишингизнинг қийинлиги ўзингизга сезиладими? — сўрайман ундан.

— Ишим осон деёлмайман, чунки елкамда ҳамиша катта масъулиятни ҳис этиб тураман. Бироқ шу ишимсиз яшай ҳам олмайман. Одам яхши кўрган ишининг машаққатидан ҳам завқ олиши керак...

* * *

— Бугун тўйим бор дегандингиз, соат олти бўлдию, қачон отланасиз, Тамина Ҳамидовна?

Бугун ўтказган операциясининг ҳали қуримаган рентген тасмасини кўздан кечириб ўтирган опа пинагини ҳам бузмай:

— Худо буюрган соатда,— деди дангал. Кейин нимадир ёдига тушгандек кўзойнагини қўлига олдида, шошиб сўради:

— Соат неччи бўлди, дединг?

— Олтидан ошди...

— Тўй бошланиб бўптику! Қариндошлар ҳам ўрганиб қолишган. Нима қилай, ахир, ўз фарзандингни ташлаб кетолмаганингдек, операциядан чиққан қора кўзларнинг ўзига келишини кутмай қаёққа ҳам кетардим. Борганим билан тўй татиса экан... Буни бировга тушунтиролмайман...

Бўлим бошлиғи отланмагунча уйига кетолмай турган ҳамширанинг қулоғига бу гаплар кирдими-кирмадими — Худо билади. Лекин бу Т. Латипованинг одатий иш тарзи. Зеро, унинг назарида ҳаётнинг мезони умр узунлигида эмас, ундан қандай фойдалана олишда...

* * *

Дарвоқе, Тамина Ҳамидовнанинг шу кунлардаги эзгу-нияти клиниканинг травматология бўлимида барча қулайликларга эга бўлган реаблитация хонаси очиш. Ўзининг таъбирича, бу мурувват хонаси бўлади. Беморлар жарроҳлик амалиётидан кейинги тикланиш даврини шу ерда ўтказишади. Аслида, бу ҳам одамларнинг дардига дармон бўлиш учун ўйланган режа...

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Азамат ДАВРОН олган сурат.

Воқеа арафасида

Кундалик ҳаётимизда ҳинд киноларини томоша қилишга алоҳида вақт ажратишимиз сир эмас. Гарчи ҳинд тилида ижро этиладиган қўшиқларнинг сўзларига тушунмасак-да, унинг тароналари юрагимизга яқиндек туюлаверади. Шу сабабдан юртимизда ҳинд киносига ўзгача меҳр қўйганлар кўплаб топилади.

РАЖ КАПУР ФАРЗАНДЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ҳинд фильмлари ҳақида сўз юритганда, буюк актёр Раж Капур номини фахр ила тилга олишимиз бежиз эмас. У кишининг ўзбек халқига, ўзбек диёрига меҳри бўлакча эди. Раж Капурнинг юртимизга 1986 йилдаги сўнгги ташрифи ҳам байрамона руҳда ўтганди. Актёр ўз мухлислари билан рақсга тушганди, дилдан куйлагандi.

Буюк актёрни соғинган кўнгилларга қувонч улашиш мақсадида унинг фарзандлари Рандхир ва Риши Капурлар Ўзбекистонга ташриф буюришмоқда. Таъкидлаш жоизки, Раж Капур сиймосини хотирлаб ўтказиладиган мазкур концерт дастурлари Марказий Осиё минтақасида илк маротаба ташкиллаштирилмоқда. Концерт дастурлари республикамизнинг Наманган, Самарқанд вилоятларида ва пойтахт Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади. Унда Раж Капур ҳаёти ва ижодига бағишланган лавҳалар намойиш этилади, Рандхир ва Ришининг отаси ҳақидаги хотиралари ўзбек мухлислари билан баҳам кўрилади.

Раж Капур ижро этган фильмлардаги тароналарнинг деярли барини хонанда Мукеш Чандра Мадхур ижро этганди. Хотира концерт дастурида "Дайди" фильмидаги "Авара ху", "Сангам"даги "Дўсту дўсту на Раха", "Жаноб 420" фильмидаги "Мера жўта хае жапани" қўшиқларини хонанданинг ўғли Нитин Матхур ижро этади.

Концерт дастурлари Наманган шаҳрида (1 декабрь), Самарқандда (2 декабрь) ҳамда 4-5 декабрь кунлари Тошкент шаҳрининг "Туркистон" ва "Халқлар дўстлиги" саройларида бўлиб ўтади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

2006 йилга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

12.00.01 — Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи — *2 ўрин.*
12.00.02 — Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви; маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи — *2 ўрин.*
12.00.03 — Фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ — *2 ўрин.*
12.00.06 — Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи; экологик ҳуқуқ — *1 ўрин.*
12.00.08 — Жиноят ҳуқуқи ва криминология; жиноят ижроия ҳуқуқи — *2 ўрин.*
12.00.09 — Жиноят процесси; криминалистика ва тезкор қидирув ҳуқуқи; суд экспертизаси — *2 ўрин.*

Ҳужжатлар 2006 йил 2 декабргача қабул қилинади.

Ҳужжат топширувчилар танланган мутахассисликлари бўйича 20 бетдан кам бўлмаган ҳажмда реферат топширишлари лозим.

Кириш имтиҳонлари танланган мутахассислик бўйича, Ўзбекистон тарихи, фалсафа, чет тиллари (инглиз, немис ёки француз)дан иборат бўлади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш бўлими. Телефонлар: 133-45-69, 133-66-36 (114).

MANAGEMENT CONSULTING

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Компания мижозлари:

- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» ҚК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» ҚК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 340-54-27.
Факс: (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

15TH ASIAN GAMES DOHA 2006

Эртага Қатар пойтахти Дохада XV Осиё ўйинларининг асосий баҳсларига старт берилади. Қитъанинг энг нуфузли мусобақасида юртдошларимиз 32 спорт тури бўйича баҳсларда иштирок этишади.

БАСКЕТБОЛЧИЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Албатта, Осиё ўйинлари ғолиби бўлиш ҳар бир иштирокчининг орзуси. Ўзбекистонлик спортчилар тўрт йилда бир маротаба ташкиллаштириладиган мусобақада 1994 йилдан бошлаб қатнашиб келмоқда. Ўша йили Япония давлати мезбонлик қилган Осиё ўйинларида ҳамюртларимиз 11 та олтин, 12 та кумуш ва 19 та бронза медалини қўлга киритган эди. Айниқса, футболчиларимиз эришган муваффақият катта шов-шувга сабаб бўлганди. Бангкок (Таиланд 1998), Пусан (Жанубий Корея 2002)да ўтказилган Осиё ўйинларида ҳам вакилларимиз кўнгилдагидек иштирок этишди.

Спортчиларимиз олдига бу сафар ҳам катта вазифалар қўйилган. Улар мусобақага пухта ҳозирлик кўришди. Осиё ўйинлари дастуридан жой олган баскетбол ва футбол бўйича гуруҳ беллашувлари қизғин давом этаяпти. Баскетболчи йигитларимиз иккинчи учрашувда Фаластин терма жамоасини 78-60 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги босқич масаласини деярли ҳал қилишди. Куни кеча футболчиларимиз Бирлашган Араб Амирликлари жамоаси билан ўтказилган биринчи ўйинни ғалаба билан (2:1) бошлашди. Қатар ва Иордания мамлакатлари футболчилари ҳам юртдошларимиз билан бир гуруҳдан жой олган. Қатар — Иордания учрашувида (3:0) ҳисобида майдон эгалари зафар қучишди. Эслатиб ўтамиз, гуруҳда биринчи ўринни эгаллаган жамоагина кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритади. Футболчиларимиз 2 декабрь куни Қатар терма жамоасига қарши майдонга тушади. Ана шу ўйин гуруҳ пешқадами номини аниқлайди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли



ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

«Мулоқот» журнали жамоаси Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти соҳиби, журнал бош муҳаррири
Барот Тиллаевич БОЙҚОБИЛОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси «Ўздаверлойиҳа» Давлат илмий-лойиҳалаш институти бош директори Саид Арабовга падари бузруквори
Амир ота АРАБОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази жамоаси Тошкент архитектура-қурилиш институтининг проректори Ҳусниддин Акромовга акаси
Бовре АКРОМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси жамоаси Иқтисодиёт, молия ва банк назарияси кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор Муталиб Юлдашевга онаси
ПАТИЛАХОН аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси доценти Сотволди Ўлмасовга онаси
Лолабиби ая ОХУНОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат техника университети жамоаси Механика-машинасозлик факультети декани, доцент Ўткир Рўзиевга онаси
Васила ая ХОДЖАЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика юристлар малакасини ошириш маркази жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлари доктори, профессор
Фозил Мақсудович ОТАХЎЖАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 23.40 23456